


10-1-2019

## General And Distinctive Features Of Translating The Military Texts

Shaxnoza MUSURMANOVA  
*Uzbek state world languages university*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

MUSURMANOVA, Shaxnoza (2019) "General And Distinctive Features Of Translating The Military Texts," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 13.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Шахноза МУСУРМАНОВА**

**ҲАРБИЙ МАТНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ УМУМИЙ ВА УЛАРГА  
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Shaxnoza MUSURMANOVA**

**GENERAL AND DISTINCTIVE FEATURES OF TRANSLATING THE  
MILITARY TEXTS**

Мақола ҳарбий матнлардаги терминлар таржимасининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари — услуби, грамматик ва лексик хусусиятларини ёритишга бағишланган. Таржиманинг сифати курсантларнинг ҳарбий терминларни янада кўпроқ ва чуқурроқ хотирада сақлаб қолишларини таъминлашнинг яна бир йўли фанлараро алоқаларга эътибор қаратишга боғлиқ. Бугунги кундаги тил ўрганишга бўлган талаб курсантлар ўрганаётган тилда ўз соҳалари бўйича бемалол мулоқотга киришишлари, ўқий олишлари, ёза олишлари билан бир қаторда ўртача қийинчиликдаги мутахассисликка йўналтирилган матнларни таржима қила олишлари лозимлиги назарда тутилади.

**Калит сўзлар:** *ҳарбий матнлар, хорижий тиллар, функционал ёки коммуникатив йўналиш, стилистик, синхрон таржима.*

Эта статья посвящена изучению общих и специфических особенностей перевода военных текстов, включая стилистические, грамматические и лексические. Качество перевода связано с уделением внимания межпредметным связям, а также, насколько у курсантов есть возможность запоминать военную терминологию английского языка при обучении. Требуется обратить внимание на межпредметные связи при обучении курсантов военной терминологии. Целенаправленное обучение военной терминологии в процессе обучения иностранным языкам является эффективным. Современное требование предусматривает, чтобы курсанты могли не только говорить, читать, писать, но и также переводить тексты по своей специальности.

**Ключевые слова:** *военные тексты, иностранные языки, функциональный и коммуникативный подход, стилистика, синхронный перевод.*

This article is devoted to the study of general and specific features of military texts including stylistic, grammatical and lexical features. The quality of translation is directly related to interdisciplinary links and to the level of cadets' knowledge of military terminology. The importance of teaching military vocabulary in English to cadets is highlighted in the article in connection with translation. It is essential that language teachers should pay a great attention not only to teaching military vocabulary but also to speaking, reading, writing and to translating texts on specialty.

**Шахноза Мусурманова** — ЎзДЖТУ мустақил изланувчиси, Чирчиқ олий танк кўмондон муҳандислик билим юрти ўқитувчиси.

**Key words:** *military texts, foreign languages, functional and communicative approach, stylistics, simultaneous translation.*

Ҳарбий матн бошқа турдаги матнлардан умумий жиҳатлари билан ўхшаш хусусиятларга эгаллиги ва айни пайтда бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳарбий матнлар қайси нуқтаи назардан ўрганилишига қараб ҳам бошқа матн турларидан фарқланиши мумкин.

Агар ҳарбий матнларни стилистик, аниқроғи функционал услуб нуқтаи назардан қараб чиқадиган бўлсак, унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Биринчидан, функционал услублар таснифига кўра, ҳарбий матнлар расмий услубга хос элементлардан иборат. Таржимада матнларнинг жанри, мазмуни, функционал ёки коммуникатив йўналиши ҳисобга олинади. Таржимашунослик жиҳатдан матнлар икки қарама-қарши турга, яъни бадиий ва бадиий бўлмаган, бадиий ва махсус, бадиий ва информатив матнлар турига ажратилганда ҳарбий матнлар бадиий бўлмаган, махсус ва информатив, ижтимоий-сиёсий элементларга эга матнлар сирасига кириши аён бўлади [Алимов, Артемьева: 2007; 5-6].

Ҳарбий матнларнинг лингвистик хусусиятлари ҳарбий қолип сўзлар ва терминларнинг кенг қўлланиши билан характерланади.

Ҳарбий терминларни чет тилини ўқитиш методикаси нуқтаи назардан олсак, бу ўз навбатида инглиз тилида ESP қисқартмаси билан кенг тарқалган махсус мақсадларда қўлланиладиган инглиз тили турига киради. Хорижий тилларни ўқитишда асосий эътибор мутахассислиги ҳарбий соҳа бўлган талабаларга тил ўргатишни назарда тутаяди. Тилни махсус таълим муассасаларда ўқитишда асосий эътибор талабаларнинг хорижий тил қурилмалари билан бирга ўз соҳасига доир терминларни билиши ва соҳаси бўйича ёзилган матнларни ўқиб тушунишлари ва тегишли мавзуларда эркин мулоқот қилишга ўргатиш мақсад қилиб қўйилган.

Хорижий тил ўқитувчиси ўз олдига қўйилган ўқув мақсадларга эришишдан аввал ҳарбий матн нима, у нималардан ташкил топган, бошқа матнлардан нималари билан фарқ қилишини яхши тушуниб олиши тавсия этилади.

Бундан ташқари, талаба хорижий тилни ўрганганда нечта ҳарбий терминни билиши лозим деган савол ўртада кўндаланг бўлиб туради. Мавжуд адабиётлардаги маълумотларга қараганда, ҳарбий соҳада энг кам билан талаба 300 та терминни билиши лозимлиги кўрсатилган.

Ҳарбий соҳа талабасининг қайси терминларни билиши иккита муҳим нарсани ўз ичига олади. Биринчидан, талаба ҳарбий соҳаси қандай бўлишидан қатъий назар умумий ҳарбий терминларни ҳамда иккинчидан, шу билан бир қаторда тор соҳасига доир терминларни билиши талаб этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, терминларни билиш фақат алоҳида олинган терминларни эмас, балки бирикмада, гапда ва контекстда қўлланган терминларни билиш, нутқда қўллай олишни назарда тутаяди. Терминларни бирикмасиз ва контекстсиз ўрганиш айрим ҳолларда чалкашликларга олиб келади. Биз

бунда инглиз тилида сўзловчи мамлакатлардаги ҳарбий терминларнинг фарқ қилишини назарда тутяпмиз.

Асосий эътибор одатда Британия ва Америка инглиз тили вариантларида қўлланиладиган терминларга қаратилади. Мавжуд адабиётларда, жумладан, ҳарбий терминлар луғатида терминлар қайси мамлакатда қўлланилиши ҳақида маълумот берилди. Маълумотлар нуқтаи назаридан тўлиқ ҳисобланган луғатларда тегишли мисоллар берилди ва унинг эквиваленти бошқа тилда мавжуд бўлса, гап таркибида берилди. Бундай амалиёт аксарият ҳолларда изоҳли луғатларда кенг қўлланилади.

Ҳарбий тилнинг хусусияти сўз ва уларни қисқа қўллаш, лўнда ифодалаш ва доим бир маънода қўлланишини таъминлайди. Ҳарбий терминларни тематик жиҳатдан гуруҳларга бўлганда уларни бўйруқларда қўлланиладиган сўз ва терминлар, соҳа бўйича техника номини ифодалайдиган сўз ва терминлар, махфий тушунчаларни ифодалайдиган белги ва рамзни ифодалайдиган birlikларни ичига олган терминлар киритилади.

Тузилиши жиҳатидан ҳарбий мазмундаги гаплар содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплардан ташкил топган бўлади. Шунинг учун амалиётда машқда қўлланиладиган сўзлар-терминлар ва бирор техникани тасвирлаган гаплар ҳам қисқалиги билан бошқа услубдаги матнлардан тубдан фарқ қилади, яъни қисқа гаплар билан жуда кенг фикр ифода этилади.

Шунинг учун ҳарбий соҳада қўлланиладиган сўзлар, терминлар ва ҳатто гаплар бошқа жанр ва услубга тегишли матнлардан ана шу лўндалиги, қисқалиги билан ажралиб туради.

Инглиз ва ўзбек терминлари масаласига ва уларнинг таржимасига келсак, бу ерда бир қатор муаммолар мавжуд.

Муаммоларнинг бири сифатида инглизча терминларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини кўрсатиш мумкин. Аксарият ҳолларда инглиз ҳарбий терминларига ўзбек тилида муқобилларини топиш муаммо туғдиради.

Иккинчидан, ўзбек тилидаги ҳарбий терминлар инглиз тили ҳарбий терминларига нисбатан анча кам ривожланганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун инглизча терминларни ўзбек тилига таржима қилганда муаммоларнинг пайдо бўлиши шу сабабдандир.

Бундан ташқари, Англия ёки Американинг ҳарбий тизимлари Ўзбекистон ҳарбий тизимидан фарқ қилади. Бу фарқ ўз ичига техника номларидан тортиб то тактика усулларигача бўлган жиҳатларни қамраб олади. Шунинг учун бу мамлакатлар ҳарбий терминлари ўртасида фарқ бўлиши табиий ҳол. Фарқ мавжуд жойда таржимада баъзи терминлар билан боғлиқ лексик муаммолар юзага келади.

Маълумки, лексик birlikларни таржима қилишда (терминлар ҳам лексик birlikлар сирасига киради) лексик трансформациялардан фойдаланилади. Лексик трансформациялар сўз қўшиш, сўзни тушириб қолдириш, тушиб қолган сўзни ўрнини қоплаш, умумлаштириш ва аниқлик киритишни назарда тутди. Терминлар таржимаси лексик birlikларнинг ўзига хос хусусиятларга эгали-

гини ҳисобга олсак (улар деярли реалларга шу жиҳати билан яқинлашади), терминларни таржима қилишда тушириб қолдириш бу умумий маънога эга сўзларга нисбатан қўллаш мумкин. Ҳарбий терминларни таржима қилишда тушириб қолдириш эмас, балки терминларни тасвирий ва калька қилиш йўли билан таржима қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, чунки терминнинг таржимада эквиваленти топилмаса, уни термин сифатида калькалаш таржима қилишнинг бирдан-бир тўғри усули ҳисобланади.

Хорижий тилни ўқитишда яна битта масалага алоҳида эътибор берилиши лозим. Ўзбекистонда инглиз тилининг Британия варианты ўқитилади. Хорижий тилни ўргатилаётганда баъзан Англияда нашр этилган адабиётлар қатори бошқа инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда, масалан, АҚШда чоп этилган адабиётлардан фойдаланишга тўғри келади. Бу ерда курсантларнинг лингвокультурологик компетенцияларини ривожлантиришга аҳамият берилиши лозим. Уларга инглиз тилининг Британия вариантини ўрганаётганини, ундан ташқари яна бир қатор инглиз тилида сўзлашадиган давлатлар ҳақида маълумотлар бериб кетиш, терминлардаги фарқларни чоғиштириш йўли билан мисолар келтириб, зарур бўлса гапларни таржима қилиб ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Хорижий тилларни курсантларга ўргатишда ҳозирги замон педагогик ва ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш қисқа вақт ичида кўпроқ материални ўзлаштириш, терминларни қўллаш билиш имконини беради. Хорижий тилларни ўқитиш методикасининг замонавий талабларидан бири дарс ўтиш жараёнида ўқитувчи эмас, балки талаба, бизнинг ҳолатда, курсант бўлиши лозим.

Хорижий тилда ўтилган дарсда қўйилган мақсадга эришиш учун курсантларга мустақил равишда ўрганиши лозим бўлган вазифаларни мунтазам бериб бориш мақсад мувофиқ ҳисобланади.

Курсантларга хорижий тилни ўрганаётган дастлабки кунларданоқ ҳарбий терминларнинг глоссарийсини тузиб, уларни алоҳида гапларда қўлланишига диққатини қаратиш уларнинг соҳаси бўйича терминларни ўзлаштиришни тезлаштириш имконини беради.

Курсантларнинг ҳарбий терминларни янада кўпроқ ва чуқурроқ эслаб қолишларни таъминлашнинг яна бир йўли фанлараро алоқаларга эътибор қаратиш талаб этилади. Бунда курсантлар мутахассислик фанларида қўлланиладиган терминлар хорижий тил дарсларида параллел ўқитилиши хорижий тилни ўрганиш самарадорлигини оширади, мутахассислик ва хорижий фанларни ўзлаштиришни жадаллаштиради.

Дарс жараёнида кичик матнлардан фойдаланиш дарсни янада самаралироқ бўлишини таъминлайди. Бунда (қуйи курсларда) қисқа латифалар, мақол, матал ҳамда тез айтишлардан фойдаланиш хорижий тилнинг фонетик жиҳатини мустаҳкамлашга асос бўла олади. Курсантларда ўқиб тушуниш кўникмаларини ҳосил қилиш учун аудио-видео материаллардан тегишли ўринларда фойдаланиш уларнинг тил муҳитига киришларини осонлаштиради, мавзунини ўзлаштиришнинг визуал жиҳатини мустаҳкамлайди. Курсантларда ёзув, тинглаб тушуниш, ўқиш

(ўқиб тушуниш) ва гапириш асосий тил кўникмаларини ҳосил қилишда аудио-видео материалларидан ҳар куни фойдаланиш тавсия этилади. Юқорида тилга олинган тўртта асосий тил кўникмалари комбинациясига эътибор бериш (масалан, гапиришга йўналтирилган тинглаб тушуниш ёки ўқиб тушуниш) ва дарсинг мақсадига кўра тегишли материалларни танлаш лозим бўлади. Бунда имкони борича ҳар бир материалда ҳарбий терминларнинг мавжудлигига эътибор қаратилиши лозим.

Хорижий тил дарсларида босма луғатлар билан бир қаторда онлайн луғатлардан фойдаланиш амалий машғулотларни сифатли ва самарали ўтказишда жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳарбий олий ўқув юртлари талабаларининг ўз соҳаси бўйича эркин, аутентик ва коммуникатив жиҳатдан ўринли мулоқот олиб боришлари уларнинг ҳарбий лексика бўйича сўз бойлиги, соҳа бўйича қўлланадиган терминологияни қанчалик пухта билишларига бевосита боғлиқ. Ҳарбий тилда гапириш бошланғич курс курсантларининг ҳарбий хизматга мослашиш даврини тезлаштиради, ҳарбий фанларни ўзлаштиришни осонлаштиради, ҳарбий нутқнинг ривожланишига, ўқитувчилари билан хорижий тилда мулоқот қилишга қулай шароитни вужудга келтиради.

Ҳарбий фанларни ўқитишда юқорида айтилган фикрлар инобатга олинмаган, талабаларни ҳарбий нутққа ўргатиш учун алоҳида фан ёки алоҳида маҳсус курс кўзда тутилмаган. Хорижий тилни ўқитишга ажратилган соатлар асосан фанни ўзлаштиришга қаратилган. Фанни ўзлаштириш одатда бир қатор машқларни бажариш, мавзуга оид сўз, сўз бирикмалари ва баъзан ҳарбий терминларни ёдлаш, матнни гапириб беришни назарда тутати.

Ҳозирги замонда хорижий тилларни ўқитиш анъанавий ва янги ёндашувларни инобатга олишни тақозо этади, бунда ахборот технологиялар имкониятларидан, интернет манбаларидан, видеоматериаллардан ва шу кабилардан унумли ва самарали фойдаланиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ҳарбий тилни ўрганишга йўналтирилган маҳсус дарсликларнинг йўқлиги, тегишли луғатнинг камлиги ёки талабга жавоб бермаслиги ҳарбий тилни чуқур ўрганишга халақит бераётган объектив омил ҳисобланади. Шу пайтгача ҳарбий олий ўқув юртида ўқиётган талабалар учун ҳарбий терминларнинг минимуми ҳам ишлаб чиқилмаган. Терминология масаласида уларнинг ўзбекча таржималари унификация қилинмаган. Терминлар табиати ва хусусияти уларнинг аниқ бўлишини талаб этади. Камчиликни ташкил этадиган ҳарбий соҳадаги дарслик ва қўлланмаларни мавжуд ҳам илмий асосланмаган. Бу ҳарбий соҳаларда термин, терминология, терминология таржимаси, ҳарбий терминологик луғат тузиш принциплари каби мавзулар бўйича монографик тадқиқотлар, яъни диссертациялар йўқлиги билан изоҳланади. Ўқув адабиётларининг етарли эмаслиги ҳарбий олий ўқув юртлари талабаларига ҳарбий тилда мулоқот қилишга ўргатиш жараёнини секинлаштиради. Ҳозирги глобаллашган, янги педагогик ва ахборот технологиялари мавжуд даврда тегишли ўқув материалларининг электрон вариантдан хорижий тилни ўқитиш машғулотларида фойдаланиш имконияти кенг.

Бизнинг фикримизча, хорижда, жумладан Россия ва туркий тилларда сўзлашувчи ҳамда маданий алоқалар ўрнатилган ҳамкор давлатларда ҳарбий тилни ўргатиш тажрибасидан унумли ва самарали фойдаланиш мумкин. Бу мавжуд муаммоларни ҳал этишни тезлаштиради ва таълим сифатини оширади.

Ҳарбий лексика ва терминологияга ўргатиш масаласига келганда қуйидаги фикрларни таъкидлаш жоиз:

1. *Термин ва сўзнинг фарқ қилувчи хусусиятлари.*
2. *Ҳарбий матнда қўлланиладиган сўз, сўз бирикмалари ҳамда терминларнинг матндаги вазифалари.*
3. *Ҳарбий терминлар орасида кўп ва кам қўлланиладиган birlikлар ўртасидаги фарқ.*
4. *Ҳарбий матннинг лингвистик хусусиятлари ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги терминологиядаги фарқларни талабалар яхши билишлари лозим бўлади.*

Бундан ташқари ҳарбий сўз ва терминларни ёзма ва оғзаки таржима қилиш малакаларини ҳам эгаллашлари талаб этилади.

Бунда лингвокультурологик компетенция муҳим аҳамиятга эга. Чунки инглиз тилида сўзлашувчи асосий давлатлар Буюк Британия, АҚШ, Канада, Янги Зеландия ва Австралиядаги ҳарбий терминларда ўхшашлик билан бир қаторда сезиларли даражада фарқлар кузатилади.

Янги авлод адабиётларини яратишда замон талаблари ва юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг инобатга олиниши ва шу асосда ҳарбий терминларнинг минимумини яратиш методик жиҳатдан муҳим тил birlikларига эътибор қаратишни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, курсантларни хорижий тилга ўқишда ҳарбий матн хусусиятларини, уларнинг бошқа матнлардан фарқлари, унда қўлланиладиган терминларнинг ўзига хос хусусиятлари маъруза эмас, балки амалий жиҳатдан чоғиштириш йўли билан видео ва аудио воситалари ёрдамида кўрсатилиши лозим. Асосий тил кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришда мавжуд замонавий педагогик ва ахборот технологиялари имкониятларидан унумли, самарали ва тегишли ўринларда фойдаланиш курсантларни хорижий тилни пухта эгаллашлари учун замин яратади. Курсантларнинг билим даражасининг чуқурлиги ўқитувчининг замон талабларига жавоб берадиган методикасига ҳамда дунёқарашининг кенглигига ва маҳоратига бевосита боғлиқдир.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Alimov V.V., Artemeva Yu.V. Obshchestvenno-politicheskiy perevod. Prakticheskiy kurs perevoda. – M.: KomKniga, 2007. – 272 s.
2. Makurina I.Yu. Voyennyy tekst. strategii obucheniya perevodu .LINGUA MOBILIS. 2015, N1 (52) С. 137-140.
3. Musayev Q. English Stylistics. – Tashkent: Adolat, 2003.
4. Semyonova M.Yu. Osnovi perevoda teksta: uchebник. – Rostov n/D: Feliks, 2009. – 344 s.
5. Ходжиматова G.M. Nauchnye osnovi obucheniya terminologicheskoy leksike russkogo yazika v neyazikovom vuze. – Dushanbe, 2011.